БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 167 (4373). | 25 август, 1971 йил, | ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

● Машина теримини муваффақиятли ўтказиш— далаларни яхши тайёрлашга ва дефолиацияни белгиланган муддатда сифатли ўтказилишига боғлиқ эканини унутмайлик.

● Барча колхоз ва совхозларда техника, дефолиантлар тахт қилиб қўйилсин.

ДЕФОЛИАЦИЯНИ КЕЧИКТИРМАНГ

КПСС XXIV съезди қарорларидан руҳланган областимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йилида фидокорона меҳнат қилдилар. Пахтазорларда мўл ҳосил пишиб етилмоқда. Бу йил гектарлардаги кўчат қалинлиги, ғўза тупларида кўсаклар тўпланиши ўтган йиллардагига қараганда бирмунча яхши.

Лекин ҳосил етиштириш — бу ишнинг ярми ҳисобланади. Энг муҳими, тўпланган ҳосилни сўнгги кўсакларгача нобуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олиб, давлатга топширишдир. Ҳозир ҳар бир қишлоқ аҳли, ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси олдида шундай вазифа турибди.

Дарҳақиқат, областимиз колхоз ва совхоз коллективлари бу йил ўз зиммаларига юксак мажбурият олганлар. Улар давлатга 400 минг тонна «оқ олтин» сотиш, ҳосилнинг кам деганда 75 процентини машиналарда териб олишга аҳд қилганлар.

Шу кунларда колхоз ва совхозларда йиғим-теримга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Ҳосил тақдири—социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши ҳеч шубҳасиз бу тайёргарлик ишларининг ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқдир.

Кўпгина карталарда, айниқса, эртаги нав пахта чигити экилган далаларда ҳар туп ғўзада икки-учтадан кўсак очилиб қолди. Дефолиацияга киришиш вақти келиб етди. Бўка ва Бекобод районлари хўжаликлари бу соҳада ташаббускор бўлиб чиқдилар. Улар танлаб дефолиация ўтказишни бошлаб юбордилар.

Ҳар бир хўжалик ғўзани дефолиация қилиш юзасидан график тузиб чиқиши лозим. Бунда карталардаги ғўзаларнинг ҳолати, суғоришни тугаллаш муддатлари ҳисобга олиниши керак. Бу муҳим ишни сира кечиктирмасдан бошлаб юбориш лозим. Ғўза баргини тўкиш қанчалик ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, терим машиналарининг эрта ишга туширилиши учун шунчалик яхши шароит яратилган бўлади. Етиштирилган барча ҳосилни ёғин-сочинли кунлар бошланмасдан олдин йиғиб-териб олиш учун қулай имконият вужудга келади.

Пахта териш машиналарини тезроқ ишга тушириш учун ҳар бир хўжаликда олдиндан 200—300 гектар ерни ажратиб қўйиб, дефолиация ўтказиш зарур. 7—8 кун ўтгач, эса бу майдонларни кўздан кечириб, қайтадан дефолиация қилиш лозим.

Дефолиациянинг сифати тупроқдаги намнинг етарли бўлишига ҳам боғлиқдир. Агарда тупроқда нам камайиб кетган бўлса, дефолиацияда ишлатиладиган препаратларнинг самарадорлиги ҳам кескин камаяди. Аксинча, ҳаддан ташқари захлатиб юборилган пахтазорлар яхши фойда бермайди. Ғўза да дефолиация ўтказиш ҳам баргини тўкишга киришдан 5—7 кун илгари суғориш тўхтатилган бўлиши керак.

Оққўрғон район хўжаликлари бу борада бошлаган ташаббуси ибратлидир. Улар пахтазорларга олиб келаётган йўллар, суғориш шохобчаларидан мумкин қадар фойдаланишга аҳд қилдилар. Бундай жойлар текисланганч, терим машиналарининг бемалол қайрилиши учун яхши имконият яратилади.

Шу кунларда ҳар бир картани яна бир бор диққат билан кўздан кечириш, машина терими учун ажратилган далаларни бегона ўтдан бутунлай тозалаш лозим. Далалар бегона ўтдан яхши тозаланмаган бўлса, терим машинасининг ишлаши қийинлашади, агрегат шиниделлари 15 процентгача ҳосилни шикастлаб, нобуд қилади. Ғўза тупларида эса очилган кўсакларни 30 процентгача бўлган миқдори терилмасдан қолиб кетади.

Одимлар ва тажрибакорлар ҳисобига кўра бегона ўт билан ҳаддан ташқари ифлосланган майдонларда машина ишлатилганда, пахта йиғиб-териб олишга сарф бўладиган харажат қўлда териладиган сарф-харажатга тенг келиб қолади, баъзан эса 10 процент кўпайиб ҳам кетади. Бунда тўкилган, чала қолиб кетган пахтани теріб олиш, ифлосланган пахталарни тозалаш учун кетадиган сарф-ҳаражатлар ҳисобга олинган.

Ўрта Чирчиқ районидаги колхоз ва совхозларнинг кўпгина карталари бегона ўтлардан яхши тозаланмаган. Район партия комитети шу кунларда ғўзаларни ўтдан тозалаш ишини алоҳида назорат остига олиши, қишлоқ хўжалиги органлари, район ижроия комитетлари, хўжаликларнинг раҳбарлари эса бегона ўтдан яхши тозаланмаган майдонларда машина теримини бошлашга йўл қўймаслик чораларини кўришлари керак.

Терим бошланишига саноқли кунлар қолди. Ҳар бир терим машинаси, прицеп, кўсак тозалаш, юк ортиш машиналарининг шай қилиб қўйилганлигини текшириш зарур.

Бу йил машиналарни подборщиксиз ишлатиш сингари ярамас практикага барҳам бериш керак. Барча машиналар подборщиклар билан таъминланган бўлиши лозим. Айрим хўжаликларнинг раҳбарларининг тўкилган пахталарни қўлда териб оламиз дейиши нотўғридир. Ишни шундай ташкил этиш керакки, етиштирилган ҳосилнинг деярли кўп қисми машиналар ёрдамида ва фақат машиналар билан теріб олинсин.

Ҳар бир терим агрегатини икки сменада ишлатиш учун механик-ҳайдовчилар билан таъминлаш тадбирларини кўриш лозим. Бу масалада оталик ташкилотларининг ёрдами зарур, шаҳар ва район партия комитетлари эса бу ишни доимо назорат қилиб борсинлар.

Терим бошланишига қадар ҳар бир районда механизаторларнинг слётини ўтказиш, бу слётларда ҳосилни машиналарда териб олишга тайёргарлик якунларини кўриб чиқиш, пахтакорларга ГОСТнинг янгиликларини айтиб бериш керак. Бу янгиликларда пахтани машинада териш шартлари ва машинада терилган пахтага янгича ҳақ тўлаш, механик-ҳайдовчиларни моддий ва маданий рағбатлантириш шартлари кўзда тутилади.

Сифатли пахта терганликлари учун механик-ҳайдовчиларни моддий жиҳатдан манфаатдорликларини оширишга алоҳида эътибор бериш лозим. Агар машиналар ишлаган майдонларда қолиб кетган пахта амалдаги ҳосилга нисбатан солиштирганда 15 процентдан ортмаса, у ҳолда механик-ҳайдовчининг иш ҳақига 15 процент устама мукофот берилади. Агар машина терилмдан сўнг қолган ҳосил амалдаги ҳосилга нисбатан 10 процентни ташкил этса, у ҳолда 15 процентгача қўшимча ҳақ тўланади.

Дефолиацияни кечиктирмаслик, барча самолётларнинг унумли ишлашини таъмин этиш, бу соҳадаги тадбирларнинг сифатли бажарилишини қатъий назорат қилиб бориш —усимликларни ҳимоя қилиш область станцияси, барча мутахассислар, агрономларнинг биринчи даражали вазифасидир.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари шу кунларда қишлоқ хўжалик самолётлари қўнадиган майдонлар, дефолиантлар ва техниканинг қанчалик шай қилиб қўйилганлигини яна бир бор кўздан кечирсинлар. Дефолиацияни, йиғим-теримга тайёргарлик ишларини бирон кун ҳам кечиктириб бўлмайди.

Дефолиациянинг муваффақиятли ўтказилиши бу йил 250 минг тонна пахтани машинада териш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришнинг муҳим шартидир.

ОҚҚЎРҒОНЛИК ШОЛИКОРЛАР АҲДИ

КПСС XXIV съезди қарорларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш масаласига жуда катта эътибор берилган. Районимиз меҳнаткашлари партиямиз қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб меҳнат қилмоқдалар. Улар бутун куч ва ғайратларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш қаратганлар. Улар сўнгги йилларда хўжаликнинг асосий тармоғи бўлган пахтачилик соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Шу билан бирга бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш жумладан каноп, бошоқли экинлар, айниқса шоличилик сезиларли даражада ўсди.

Шоли етиштирадиган колхоз ва совхозлар шоличиликни механизациялаш, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш борасида талайгина ишларни амалга оширдилар. Ҳамза номли, Димитров номли, Энгельс номли, «Заря коммунизма», «Правда» ва бошқа колхозларнинг юқори ҳосил устаклари бу соҳада намуна кўрсатдилар. Мазкур хўжаликлардаги кўпгина бригада ва звеноолар шоли ҳосилдорлигини йил сайин ошира бориб, гектаридан 50, ҳатто 60 центнерга етказиб ҳосил олмоқдалар. Шу билан бирга айрим шоликор бригадалар борки, улар ҳамон район бўйича ўртача ҳосил кўрсаткичига етиб олганлари йўқ. Агар районимиздаги ҳар бир хўжалик илғор коллективлар тажрибаларини, фан ютуқларини ўрганиш, деҳқончилик маданиятини мукаммал эгаллаш, механизациядан тўла фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қилсалар район бўйича гектаридан 50 центнердан шоли ҳосили йиғиб олишимиз мумкин.

Бу йил шундай ҳосил кўтариш учун барча имкониятларга эгамиз. Бизда олдинги йилларга қараганда бу йил 10—12 кун илгари шоли ўримига киришиш имконияти бор. Ҳозирги кунда колхоз ва совхозларда етиштирилган юқори ҳосилни сира нобуд қилмай ўриб-йиғиб давлат хирмонига топшириш учун барча тайёргарликлар кўриб қўйилган. Шоли ўрим-йиғимини намунали ўтказиш учун зарур тадбирлар амалга оширилиб қўйилган. Бу ишни ўтказишга техника ва механизатор кадрлар шайлаб қўйилган. Шоли ўрим-йиғими қатъий график асосида қисқа муддатда ўтказишга эришилади.

Районимиз шоликорлари ўрим йиғимни 15 сентябрдан кечикмай бошлаб юбориш ва 20 октябрга қадар бу ишни тугаллаш учун социалистик мажбуриятларини олганлар. **Биз бу йилги шоримиз давлатга 10 минг тонна юқори сифатли шоли топширишдан иборатдир.** Яқин кунларда барча ўриш, йиғиш машиналари тайёр ҳолга келтирилади. Ҳозирги кунда районимиз хўжаликларида ўрим агрегатларига экипажлар тайёрлаш, комбайнчилар ўқишини ташкил этиш ва ўрим йиғим ишига қатнашадиган барча ишчи ва колхозчиларга инструктаж бериш ташкил этилган.

Шоликор хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари шоли ўрими илғорларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқдилар. Меҳнатда алоҳида намуна кўрсатган шоликорларга, бригада ва звеноларга, энг яхши комбайнчи, ишчи ва колхозчиларга кўчма Қизил байроқ, вимпеллар, пул ва қимматбаҳо буюмлардан иборат мукофотлар берилади.

Колхоз ва совхозларнинг партия, комсомол ташкилотлари бутун чоралар билан социалистик мусобақани ривожлантириб юборадилар. Жойларда оператив группалар ташкил этилган. Улар шоли ўримини намунали, қатъий график асосида ўтказиш учун ўрим техникасини, транспортнинг нормал ишлашини контроль қилиб турадилар ва ҳосилни қабул пунктларига ўз вақтида топширишни кузатадилар. Шунингдек, шоли ўримида иштирок этадиган кишиларнинг маданий дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратиб берилади.

Районимиз шоликорлари барча тадбирларни амалга ошириб, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида гектаридан 50 центнердан ҳосил олиб, давлатга 10 минг тонна шоли топшириш учун ўз сўзларининг устидан чиқадилар.

БУ ТАДБИРЛАР РАЙОН ШОЛИКОРЛАР ИИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ЛУБКОРЛАР ЗАФАРИ

Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхознинг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, меҳнатда ажойиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар. Натижада давлатга каноп пояси топшириш юзасидан берилган план 8 иш кунида муваффақиятли бажарилди.

Ҳали далада ҳосил кўп. Лубкорлар эришилган ютуқларни меҳнат билан мустаҳкамламоқдалар. Ҳосилнинг ҳаммасини тезда йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш ишлари бўшаштирилмаяпти.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА КАНОП ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 24 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун— мавсум бошидан бери.

Ўрта Чирчиқ	4,7	35,7
Янгийўл	4,5	17,4
Бўстонлиқ	4,7	6,8
Оққўрғон	0,5	4,2
Юқори Чирчиқ	1,6	2,6
Область бўйича	1,4	5,8

ИЛҒОРЛАРГА—БАЙРОҚЛАР

ЕМ ХАШАК ТАЙЁРЛАШ

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети шу йил 16 августгача область районлари, колхозлари ва совхозларида хашак тайёрлашнинг бориши якунларини кўриб чиқиб, область кўчма Қизил байроғини, **Оққўрғон районига** (район партия комитетининг секретари **С. Тоиров**, район ижроия комитетининг раиси **Х. Обидов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **А. Соиназаров** ўртоқлар) берилди. Район дала хашак тайёрлаш планини 133,8 процент бажаришга эришди. Сенаж бостириш 85,5, силос бостириш эса 88,3 процент қилиб адо этилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидаги **«Ўзбекистон» колхозига** (раиси **Д. Х. Пак**, партия ташкилотининг секретари **Ш. Ўтабоев**, бош зоотехниги **Н. Сон** ўртоқлар) берилди. Колхоз дала хашак тайёрлаш планини 140,0 процент, сенаж тайёрлашни 101,5, силос бостиришни 139 процент бажаришга эришган.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи Оққўрғон районидаги **С. Сегизбоев номли совхозга** (директори **С. Ғоиров**, партия ташкилотининг секретари **К. Азимов**, ишчилар комитетининг раиси **З. Осмонова**, бош зоотехниги **А. Абдурахимов** ўртоқлар) берилди. Совхоз дала хашак тайёрлаш планини 92,0 процент, сенаж тайёрлашни 325 процент, силос бостиришни эса 72,3 процент бажаришга эришган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 24 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бўка	0,8	103,9
Оққўрғон	—	97,0
Юқори Чирчиқ	1,3	87,9
Бекобод	2,8	85,7
Пискент	0,8	81,8
Ўрта Чирчиқ	2,9	67,3
Янгийўл	0,7	64,0
Калинин	2,7	58,8
Орджоникидзе	2,0	46,3
Бўстонлиқ	2,0	29,0
Область бўйича	1,5	73,5

КАНОП ПОЯСИ ДАВЛАТГА

Область партия комитети, область ижроия комитети районлар, колхозлар ва совхозларда шу йил 21 августгача каноп пояси сотишнинг якунларини кўриб чиқиб, область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини **Ўрта Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари **С. Аҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Назаров**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Г. Мирёқубов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ва сифат инспектори **Ф. Н. Пак** ўртоқлар) беришга қарор қилинди. Район давлатга каноп пояси сотиш планини 22,5 процент бажаришга эришган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **Охунбобоев номли колхозга** (раиси **М. Рўзиматов**, партия ташкилотининг секретари **М. Пўлатов**, бош агрономи **Э. Исҳоқов** ўртоқлар) берилди.

ДАЛАЛАРДА 2700 АГРЕГАТ ИШЛАЙДИ

САМАРҚАНД. Бу ерда бўлиб ўтган область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида 600 дан ортиқ киши қатнашди. Кенгашда пахтани машинада теришни уюштириш масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов доклад қилди.

Область пахтакорлари беш йилликнинг биринчи йилида янада кўпроқ пахта етиштириш ва давлатга сотиш мажбуриятини олганлар. Етиштирилган ҳосилнинг 200 минг тоннадан кўпроғи машиналарда териб олинади. Далаларда 2700 га яқин пахта териш агрегатлари ишлайди. Область колхоз ва совхозларида пахта йиғим-терими мавсумига тайёргарлик барвақт бошланди. Баъзи районлар, колхоз ва совхозларда терим агрегатлари ремонти тугалланди.

Кенгашда пахтани машинада теришни намунали уюштириш, техникадан унумли фойдаланиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Чорвоқ ГЭСида 3-турбоагрегатни монтаж қилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Юқорида кўрсатилган электр узатгич линиялари ҳам бирйўла монтаж қилинмоқда. Суратда: монтаж қилинаётган участкалардан бирида.



ТЎХТАШ ҲАЙИТҚУЛОВ Олмалиқ мис эритиш заводида корхона маҳсулот бера бошлагандан бери меҳнат қилиб келмоқда. Айни кунларда у бошлиқ қайтаргич печлар коллективи ойлик планларини ошириб адо этиш учун суръатга-суръат қўшишяпти. Суратда: мастер Т. Ҳайитқулов.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва СИРОТКИН фотолари.

САККИЗ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Тошкент области ва шаҳри саноат корхоналари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан руҳланиб 24 августда саккиз ойлик маҳсулот реализация қилиш планини ва муҳим буюмлар ишлаб чиқариш топшириғини бажардилар. Ой охиригача планга қўшимча равишда 10 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ҚИСҚАЧА СОАТДА

✦ **ВАРШАВА.** Польшада 500 тоннагача юк кўтара оладиган улкан темир йўл платформалари қурилади. Бу платформаларда саноатга тегишли оғир машина ускуналари ташилади.

Познанлик мутахассислар кўмир ташишга мўлжалланган олтита янги типдаги товар вагонини ҳам ишлаб чиқдилар.

✦ **ОСЛО.** Шимолий мамлакатлар либерал ва радикал ёшлар союзи съездининг қатнашчилари хавфсизлик масалалари юзасидан умум Европа кенгашини чақириш кераклигини таъкидладилар. Бу съезд Норвегиянинг Гуле шаҳрида бўлиб ўтди.

✦ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон-Покистон чегарасида кескин аҳвол сақланиб қолмоқда. ЮПИ агентлигининг хабар беришича Покистон қўшинлари кейинги тўрт кун ичида Ассам, Ғарбий Бенгалия штатларида ва Трипур иттифоқ территориясида чегара доирасидаги аҳоли яшайдиган пунктларни бир неча марта қаттиқ ўққа тутганлар. Бир қанча одамлар қурбон бўлган.

✦ **ЛОНДОН.** Англия ва НАТО Мальта оролида ҳарбий базаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Англия мудофаа министри Лорд Каррингтон шанба куни Мальтадан қайтиб келди. У 23 августда бош министр Хито билан музокара ўтказди. Бу музокарада Англия ҳарбий министрининг Мальта бош министри Минтоф ўрталарида бўлиб ўтган музокаралар муҳокама қилинди.

✦ **ХАНОЙ.** 19 ва 20 августда Куанчи вилоятининг шимолида бўлиб ўтган шиддатли жангларда Жанубий Вьетнамнинг озод қилиш Халқ қуролли кучлари душманнинг 150 солдатини сафдан чиқаришди, 9 та вертолетни уриб туширишди, қўплаб қурол-аслаҳаларни қўлга киритишди.

✦ **АВСТРИЯ.** Мамлакатда ўтган 10 йил мобайнида деҳқон хўжаликлари 30 минг хонадонга камайди.

✦ **ЖАЗОИР.** Мамлакатнинг шимолий районларида ўрмонда ёнғин давом этмоқда. Сўнгги 3—4 кун мобайнида ёнғин натижасида 15 минг гектар мевали ерлар ёниб кетди.

✦ **ВАШИНГТОН.** Полиция Оқ уй ёнида студентларнинг намойишини тарқатиб юборди Президент Никсон иш ҳақи ўзгартирилмайди деб эълон қилган эди. Ешлар ана шу чорага қарши норозилик билдирдилар. Намойиш қатнашчиларидан бир неча киши қамоққа олинди.

(ТАСС).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ПАХТА ПУНКТЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

Пахта заводлари ва пунктлари, қуритиш ва тозалаш цехлари 1971 йил ҳосилини қабул қилиб олишга тайёрми? Бу масала область халқ контроли комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Назоратчилар комитет йиғилиши арафасида пахта заводлари ва пунктлари, қуритиш ва тозалаш цехлари ишларини синчиклаб текшириб чиқдилар. Рейд давомида 1025 та бунт майдончасидан 808 таси ва 56 та автоматик тарози тўла ремонтдан чиққанлиги, 3200 дона брезент ва 447 та стандарт эталонлари тайёрлаб қўйилганлиги маълум бўлди. Қабул қилиш ва узатиш қурилмаларнинг 80 процента, лентали транспортерларнинг 78 процента, вентиляторларнинг 68 процента, тракторларнинг 65 процента ва прицепларнинг 10 процента ремонт қилинганлиги аниқланди.

Кўриниб турибдики, янги ҳосилни қабул қилиб олишга озми-кўпми тайёргарлик бошлаб юборилган. Аммо иш суръати шу кунлар талаби даражасида эмас, «Ташзаготхлопкотрест»нинг барча корхоналарида ремонт ишлари ниҳоятда секинлик билан бораяпти. Ремонт ишлари графиги бажарилмаяпти.

Қорақўйлиқ тайёрлов пункти, Алимкент заводининг тайёрлов пункти, Пискент заводининг тайёрлов пунктида брезентлар ремонти мутлақо талабларга жавоб бермайди. Ўғ учириш инвентарлари ва сув қувзалари ҳам ҳали кўп жойда тайёрланмаган. Кўпгина заводларнинг бунт майдонларида ёввойи ўтлар ўсиб ётибди. Чиноз заводининг тайёрлов пунктида эса майдончалар ремонтига ҳали ҳам киришилмаган.

Янгийўл заводига қарашли «Пахта» тайёрлов пунктидаги 26 та майдонча трафик бўйича 1 июлгача тўла ремонтдан чиқарилиши лозим эди. Ҳозиргача майдончаларнинг атиги 16 таси мавсумга тайёрланган, холос. Лекин бу майдончаларнинг атрофи девор билан ўраб олинмаган. Комитет йиғилишида пахта пунктларида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва транспорт воситаларини шайлаш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги қайд қилинди. Бундай нуқсонларга йўл қўйганликлари учун комитет йиғилишининг қарори билан Янгийўл пахта заводи бош инженери Когай, трест бош механиги Раҳматовга виговор, Чиноз пахта заводи директори Мирка-моловга эса қаттиқ виговор берилди.

ВАГОНЛАР МАХТАЛ БЎЛМАСИН

Темир йўл транспортини мамлакатимиз қон томири, дейишади. Дарвоқе, шундай. Олис-олислардан йўлга чиққан поездлар халқ хўжалиги юкларини ўз вақтида белгиланган жойга етказиб беряпти. Вагонлар хизматидан унумли фойдаланаётган ташкилотлар областимизда кам эмас.

Лекин, баъзи ташкилотлар ҳали ҳам ўз номларига келган юкларни вақтида ташиб олмай вагонларни бекуда куттириб қўймоқдалар. Айниқса, Янгийўлдаги мебель фабрикаси, ғишт заводлари бошқармаси ва ёғ-мой комбинати раҳбарлари бу муҳим ишга панжа орасидан қарамоқдалар.

Шу йилнинг ўтган еттн ойи мобайнида мебель фабрикаси юк олиб келган вагонларни нормадаги 2,7 соат ўрнига 22 соат ушлаб турди. Бунинг эвазига темир йўлга 6633 сўм жарима тўланди.

Ёғ-мой комбинати учун зарур бўлган хомашёларни олиб келган вагонлар ҳам 40-50 соатлаб изда туриб қолаяпти. Ғишт заводлари бошқармаси эса 14 та вагонни 38 соатдан 68 соатгача бекуда ушлаб турди. Бунинг эвазига 17 минг сўм жарима тўладн. Бундай нуқсонлар областимизнинг бошқа жойларида ҳам содир бўлаяпти.

Область халқ контроли комитетининг бўлиб ўтган йиғилишида вагонлардан фойдаланишни янада яхшилаш имконини берувчи муҳим тадбирлар белгиланди. Бу масалага эътиборсизлик билан қараётган бир қатор хўжалиқ раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди. Комитет белгиланган тадбирларни амалга ошириш вагонлар юк оборотини янада тезлаштиришга ёрдам беради.

ШТАТЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Партия ва ҳукуматимиз бошқарув аппаратини арзонлаштириш ва имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилганлар. Бу қарорлар областимизнинг қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида муваффақиятли амалга оширилмоқда. Лекин баъзи жойларда штатлардан фойдаланишда «танти-лик» қилиш ҳоллари ҳали ҳам содир бўлиб турибди.

Орджоникидзе районидаги даволаш-санитария бирлашмаси бош врачи Раҳимов ва бош бухгалтери Маметов ўртоқлар бу соҳада рекорд қўйдилар. Улар асоссиз равишда даволовчилар сонини ошириб ва бир кишига икки-уч хил вазифани юклаб давлат маблағини қўкка совурмоқдалар. Бу соҳада бирлашма раҳбарларининг ўзлари бошқаларга «ўрнак» бўлмоқдалар. Текширув давомида турли хил йўллар билан Раҳимовнинг ўзи салкам 500 сўм, унинг ўринбосарлари Незнамова ва Мизиковскийлар 851 сўм, бош врачнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Вавилов 284 сўм, бош бухгалтер Маметов 218 сўм пулни ўзлаштириб олганликлари аниқланди. Бунинг устига Маметов мавжуд қонун-қоидаларни бузган ҳолда санитария-эпидемнология станциясида ҳам бош бухгалтерлик вазифасини эгаллаб, маълум давр мобайнида 1489 сўм пулни ҳамёнга урди.

Бирлашмада штатдан ташқари машинистка ва слесарь ҳам сақланган. Уларга 2147 сўм маош тўланган. Медицина ходимлари эса амалда бажарилмаган ишлар учун маошга қўшимча равишда 619 сўм устама ҳақ олганлар.

Кўриниб турибдики, бирлашма раҳбарлари штатлардан ва маош фондидан тежаб-тергаб фойдаланишда қонунга хилоф иш тутганлар. Назоратчилар рейд давомида уларнинг яна бир қатор кирдикорларини очиб ташладилар.

Текширув якуни область халқ контроли комитети йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Штат-смета интизомини кўпол равишда бузганлиги, қонунсиз давлат маблағларини ўзлаштирганлиги учун йиғилиш қарори билан даволаш-санитария бирлашмаси бош врачи Раҳимовга бир ойлик маош ҳисобида, бирлашма бош бухгалтери Маметовга икки ойлик маошн ҳисобида начет солинди.

№ 105

Янгийўл пойафзал фабрикаси коллективи бу йил тежалган чармдан минглаб жуфт болалар пойафзали ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Ҳозирги кунда барча участкаларда материал ва хомашёларни тежаб-тергаб сарфлаш бўйича ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Назоратчилар бу мусобақанинг ташкилотчисн бўлмоқдалар. Ушбу суратда сиз бичув цехининг илғор иш чиси Акбарали Қиргизбоевни кўриб турибсиз. Жамоатчи ишчи ўтган еттн ойда тежалган хом ашёдан кўплаб пойафзал ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

И. ГЛАУБЕРЗОН, В. СИРОТКИН фотоси.

РАИСНИНГ БИР КУНИ

Одам кечаги меҳнатидан қаноат ҳосил қилган бўлса, эртасига ишга мамнун ҳолда йўл олади. Шарифжоннинг ҳам бугун кайфи чоғ эди. У кеча шикоят ва аризалар билан келган бир неча гражданларни қабул қилди. Уларнинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. Керакли идораларга телефон қилди, бошлиқлари билан гаплашиб, шикоят билан келганларга ёрдам уюштирди.

Айниқса, Нанай қишлоғидан келган икки ўспирин йигит «Раҳмат, бу яхшилигингизни сира эсдан чиқармаймиз» деб айтганида кўнгли тоғдай кўтарилиб кетди. Бу йигитлар эш савдо ходимлари эди. Улар айрим қўли эгрн шахслар билан «дўст» тутиниб қолишиб, нопок ишларга қўл уришган. Назоратчилар уларнинг кирдикорларини фош этдилар. Бу йигитлар билан Шарифжоннинг ўзи суҳбатлашди, қалбига йўл топди. Йигитлар бундан кейин ножўя иш қилмаслиққа сўз бердилар. Ҳар иккиси ҳозир ҳалол хизмат қилиб, эл ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Шарифжон йигитларни кузатар экан, «дарҳақиқат, халқ назоратчиси — фақат камчиликларни фош қилувчи эмас, тарбиячи, уюштирувчи, ташкилотчи ҳам бўлиши зарур, бу фикрни ҳар бир халқ назоратчиси онгига сингдириш керак», деб хаёлидан ўтказиб қўйди.

Йўлда бир шикоят юзасидан консерва заводига кирди. Халқ контроли группаси аъзолари билан ураршиб, шикоятни текшириш юзасидан қандай иш олиб бориш тўғрисида кўрсатма берди.

Шарифжон идорага келганда уни штатсиз бўлим мудири В. Овчинников ва яна икки киши кутиб ўтирарди. Владимир тошни қайта ишлайдиган комбинатда бошлиқ бўлиб ишлайди. Янги район ташкил этилгандан буён халқ контроли комитетида штатсиз бўлим бошлиги вазифасида жамоатчилик ишини бажармоқда.

Бундан бир ҳафта илгари бўлимга кўчма механизациялашган колоннада устама муқофот учун ажратилган маблағлардан қандай фойдаланилаётганлигини текшириш топширилган эди. Овчинников ёнига халқ назоратчиларини олиб ишга киришди. Сигнал тўғри бўлиб чиқди: ҳақиқатан ҳам механизациялашган кўчма колонна бухгалтерияси ишида камчиликлар бор бўлиб, у ерда маблағлардан нотўғри фойдаланилар экан. Овчинников текширишнинг тафсилоти ҳақида Шарифжонга батафсил гапириб берди. Раис штатсиз бўлим мудирининг ишидан мамнун бўлиб, унга янги топшириқ берди.

Навбат пенсионер, халқ назоратчиси Фризен Андрей Абрамовичга келди. Бу отахон уч ойга мўлжаллаб, иш плани тузиб, келган эди. Раис планни синчиклаб кўздан кечирди. Кўрсатмаси қандай бажарилганлигини текшириш топширилган эди...

— Ҳаммаси тўғри, ҳаммаси қонунга мувофиқ, — деб ахборот берди у Шарифжонга...

Ўша куни Шарифжон яна штатсиз инспекторлардан икки кишини қабул қилиб, улар билан навбатдаги қилинадиган ишлар ҳақида маслаҳатлашди. Назоратни ташкил этиш юзасидан уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитди.

Бу маҳалда кун пешиндан оққан эди. Халқ контроли комитетининг раиси Шарифжон Муҳитдинов машинага ўтириб, тўғри «Ленинград» колхозига йўл олди. Ўша куни бюрода районда ем-хашак тайёрлаш масаласи кўрилиб, бу соҳада сусткашликка йўл қўйилаётганлиги қайд қилинган, колхозларда ем хашак тайёрлаш ишларини ташкилий жиҳатдан анча мустаҳкамланди. Ишлаб бошида тўққиз кишидан иборат бюроси, тўққизта йирик цехда халқ контроли группаси, тўртта цехда эса халқ контроли пости тузилди.

Ҳозир 74 назоратчи группаларга бўлинишиб, ярим йилга мўлжалланган перспектив план асосида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ойлик планларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мулкни кўз қорачиғидай сақлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашё ва материалларидан тежаб-тергаб сарфлаш каби вазифаларни амалга ошириш ўз ифодасини топган.

Сўнгги йилларда группа аъзолари социалистик мулкни талон-торож қилувчиларга нисбатан қаттиқ кураш олиб бораётганлар. Аввало, коллектив ўртасида ташкилий-тарбиявий ва тушунтириш ишлари қўлами кенгайтирилган. Цех ва участкаларда жиноятчиликка қарши кураш темаларида фойдали суҳбатлар уюштирилмоқда. Йиғилишларда милиция бўлими, суд, прокуратура ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар. Халқ контроли группаси аъзоларининг семинар-кенгаши ҳам бўлиб ўтди.

Профилактик ишларнинг кенг миқёсда олиб борилаётганлиги туфайли корхонада талон-тарож анча камайди.

Жиноятчиликни камайтиришда мунтазам равишда ўтиб турган рейдлар ҳам ёрдам беряпти. Халқ контроли группаси аъзолари, дружиначилар ва комсомол прожектори аъзолари цехларда навбатчилик қилмоқда.

Бу соҳада айниқса ўртоқлик судлари халқ контроли группасига яқиндан кўмаклашмоқда. Ўтган ойларда ўртоқлик суди совет қонунчилигига зид ҳаракат қилган баъзи ишчиларнинг «танобини тортиб қўйди». Тартиббузарларга жарима солинди, виговор берилди. Давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлаш ва улардан тежаб-тергаб фойдаланишда тартиб ўрнатилди.

Лекин шунга қарамай, группамиз ишида ҳали бир қатор нуқсонлар бор. Тайёрланаётган маҳсулотлар баъзи ҳолларда сифатсиз бўлаяпти. Ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланилмаяпти. Брақдан корхонамиз катта зарар кўраяпти. Тайёрланган маҳсулот сортларга нотўғри ажратилганлиги учун яқинда буюртмачиларга катта миқдорда жарима тўлашга тўғри келди. Бундан кейинги фаолиятимизда биз мана шу нуқсонларни бартараф этиш тадбирларини кўрмоғимиз, группа иш услуби ва методини янада такомиллаштиришимиз лозим.

Ўтказилаётган рейдларда ҳали ҳам мутахассисларнинг кенг доираси жалб этилмаяпти. Бундан ташқари, рейд якунларини коллективга маълум қилиш ҳам қониқарли эмас. Ҳар бир рейд якунини деворий газеталар, сатирик варақалар орқали кўпчиликка маълум қилиб боришимиз керак.

Яқинда область халқ контроли комитети группамиз ҳисоботини тингладн. ишимиздаги бир қатор нуқсонларни кўрсатиб берди. Бу камчиликларни тугатиш юзасидан фойдали тавсияномалар таклиф этди. Ҳозир эътиборимиз шу тавсияларни амалга оширишга қаратилмоқда.

Н. АБДУРАҲМОНОВ,
Янгийўлдаги кондитер-ачитқи бирлашмаси халқ контроли группасининг раиси.

НАЗОРАТЧИЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Унда корхоналарда маҳсулот сифатини текшириш, штатлардан фойдаланишни назорат қилиш сингари масалалар бор эди.

— Иш планингиз менга маъқул бўлди, — деди Шарифжон, — лекин 44-ремонт қурилиш бошқармаси фаолиятини текшириш тўғрисидаги масалани киритмасангиз ҳам бўлади.

— Нега? — деди отахон. — Ахир, бу ташкилотдан шикоятлар бор деган эдингиз-ку?

— Тўғри, — деди Шарифжон, — лекин яқинда бюрода худди шу масала кўрилиб, камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Файзулла Абдуллин санитария-даволаш бирлашмасида бош бухгалтер бўлиб ишлайди. Актив назоратчи ва жамоатчи ходимларидан. Комитет йиғилишида Файзуллага машиналар хизмат кўрсатиш комбинати ва геология-разведка ҳамда инженерлик-геология партияларида штатларни ихчамлаштириш боришини халқ назоратчилари алоҳида кузатув остига олишлари топширилган эди.

Шарифжон колхозга боргач, партия ташкилотининг секретари Собит Ҳошимов билан учраниди. Ундан кеча қанча ем-хашак тайёрланганлиги ҳақидаги маълумотни олди. Колхоз план бўйича 2317 тонна хашак жамғариш керак. Ҳозиргача эса 1700 тонна тайёрланибди.

— Силжиш йўқ-ку, — деди Шарифжон. — Ўтган куни гаплашганимизда сўз битта, хотиржам бўланг, деб айтган эдингиз! Мен йўл-йўлакай кўриб келдим: галладан чиққан сомонлар йиғиштирилмасдан ётибди. Бундай бефарқлик қимматга тушади. Жон қойтиш, ишни яхши ташкил этиш керак.

— Ука, — деди у, — ўзим ҳам ҳижолатдаман. Кеча актив йиғилишида бу ҳақда гаплашиб олдик. Пландаги ем-хашакни жамғармагунча тинчимаймиз...

Шарифжон ўша куни «Қизилту» колхозида ҳам бўлди. Жданов номли колхознинг далаларини айланди. Бригада бошлиқлари, халқ назоратчилари билан суҳбатлашди. Дала ишларини намунали ташкил этиш, ўртаги сабзавот экинларини нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш юзасидан маслаҳатлар берди.

Биз Бўстонлиқ район халқ контроли комитети раиси Шарифжон Муҳитдиновнинг бир кунлик фаолиятидан айрим лавҳаларни келтирдик. Шарифжон бирнеча йил республика халқ контроли комитетида инспектор бўлиб ишлади. Мана янги район ташкил этилгандан буён бу ерда катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда.

Халқ контроли комитетининг 82 штатсиз инспектори, 9 аъзоси бор. Шарифжон ҳар бир тадбирни, ҳар бир ишни ана шу кенг активларга суяниб олиб бораётганлиги туфайли ҳам ўз фаолиятида яхши натижаларга эришмоқда. Айниқса, назоратчилардан Леонид Самсонов, Овчинников, Шалишин Николай Васильевич ўртоқлар комитет ишига катта ёрдам бермоқдалар.

Ҳар ойда бир марта «халқ контроли экрани» чиқарилиб, шаҳар ўртасига кўринарли ерга осиб қўйилади. Бу тадбир назоратнинг оммавийлиги ва изчиллигини таъмин этмоқда.

Халқ контроли комитети ташаббуси билан кўпгина камчиликлар очилиб, олди олинди. Назоратчилар таклифи билан ободончилик санитария-гигиена, ердан фойдаланишга оид кўпгина масалалар район партия комитети бюроси ва ижроия комитет мажлиси муҳокамасига киритилди.

Халқ назоратчилари шу кунларда ҳар бир корхона, ҳар бир совхоз ва колхозда актив иш олиб бормоқдалар. Бунда Шарифжон Муҳитдиновнинг ташкилотчилик роли катта бўлаётир.

Н. РИХСИЕВ.

ФЕРМАГА РЕЙД

Назоратчининг вазифаси шарафли ва масъулиятлидир. Қаерда у актив фаолият кўрсатса, ўша ерда талон-торожлик, исрофгарчилик тезроқ барҳам топади. Нуқсонларнинг олди олиниб, ютуқлар кўлами кенгаяди. Группамиз аъзолари ҳам ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларидан кўз-қулоқ бўлмоқдалар. Группамизга 23 назоратчи бирлашган. Улар соҳалар бўйича тўртта постга бўлиниб, планли равишда рейдлар ўтказмоқдалар.

Ш. Шеров ва Т. Ҳайитметов ўртоқлар бошчилигидаги постлар айниқса самарали меҳнат қилаяпти. Чорвачилик соҳаси бўйича тузилган пост назоратчилари шу йилнинг ўзида колхоз фермасига икки марта рейд уюштирдилар, чорва маҳсулотлари тайёрлаш ва чорва озуқасини жамғариш юзасидан текширув ўтказдилар. Бу рейдларда етти отар бўйича 13 қўзининг колхоз кирим дафтарига кирмай қолганлиги маълум бўлди. Шунга ўхшаш яна баъзи нуқсонлар очиб ташланди. Рейдлар якуни правление ва партия ташкилоти йиғилишида муҳокама қилиниб, айбдор шахслар жазоланди. Юз берган камчилик тезда бартараф этилди.

Хўжалигимизда чорвачилик йирик даромад манбаи ҳисобланади. Чорвадорларимиз мол туёғини кўпайтириш ва чорва маҳсулдорлигини оширмоқдалар. Туёқ кўпайтириш, жунтайёрлаш йиллик плани, сут тайёрлаш ярим йиллик плани муваффақиятли бажарилди. Бу йил ҳар юз бош совлиқдан пландаги 90 бош ўрнига 110 бошдан қўзи олинди.

Назоратчилар ем-хашак тайёрлаш устидан ҳам қатъий контроль ўрнатганлар. Ғаромланаётган пичанлар пешма-пеш ҳисобдан ўтказиляпти. Озуқа исрофгарчилигига йўл қўйилмаяпти. Айни пайтда жонкуярлар галла ўрим-йиғими кампаниясини намунали ўтказишда ҳам бош-қош бўлдилар. 2340 гектар галлазорнинг ҳосили 20 иш кунида тўла йиғиб-териб олинди. Олим Ниёзов, Исроил Қорахўжаев каби жамоатчилар ҳозир ҳам ўз постларида сергак туриб эл бойлигига-бойлик қўшмоқдалар.

Нурмат АШУРМАТОВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхози халқ контроли группасининг раиси.

СОЦИАЛИСТИК МУЛК—ДАҲЛСИЗ

Бирлашма партия ташкилоти раҳбарлигида корхонамиз халқ контроли группаси сўнгги йилларда ташкилий жиҳатдан анча мустаҳкамланди.

Ишлаб бошида тўққиз кишидан иборат бюроси, тўққизта йирик цехда халқ контроли группаси, тўртта цехда эса халқ контроли пости тузилди.

Ҳозир 74 назоратчи группаларга бўлинишиб, ярим йилга мўлжалланган перспектив план асосида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ойлик планларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мулкни кўз қорачиғидай сақлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашё ва материалларидан тежаб-тергаб сарфлаш каби вазифаларни амалга ошириш ўз ифодасини топган.

Сўнгги йилларда группа аъзолари социалистик мулкни талон-торож қилувчиларга нисбатан қаттиқ кураш олиб бораётганлар. Аввало, коллектив ўртасида ташкилий-тарбиявий ва тушунтириш ишлари қўлами кенгайтирилган. Цех ва участкаларда жиноятчиликка қарши кураш темаларида фойдали суҳбатлар уюштирилмоқда. Йиғилишларда милиция бўлими, суд, прокуратура ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар. Халқ контроли группаси аъзоларининг семинар-кенгаши ҳам бўлиб ўтди.

Профилактик ишларнинг кенг миқёсда олиб борилаётганлиги туфайли корхонада талон-тарож анча камайди.

Жиноятчиликни камайтиришда мунтазам равишда ўтиб турган рейдлар ҳам ёрдам беряпти. Халқ контроли группаси аъзолари, дружиначилар ва комсомол прожектори аъзолари цехларда навбатчилик қилмоқда.

Бу соҳада айниқса ўртоқлик судлари халқ контроли группасига яқиндан кўмаклашмоқда. Ўтган ойларда ўртоқлик суди совет қонунчилигига зид ҳаракат қилган баъзи ишчиларнинг «танобини тортиб қўйди». Тартиббузарларга жарима солинди, виговор берилди. Давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлаш ва улардан тежаб-тергаб фойдаланишда тартиб ўрнатилди.

Лекин шунга қарамай, группамиз ишида ҳали бир қатор нуқсонлар бор. Тайёрланаётган маҳсулотлар баъзи ҳолларда сифатсиз бўлаяпти. Ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланилмаяпти. Брақдан корхонамиз катта зарар кўраяпти. Тайёрланган маҳсулот сортларга нотўғри ажратилганлиги учун яқинда буюртмачиларга катта миқдорда жарима тўлашга тўғри келди. Бундан кейинги фаолиятимизда биз мана шу нуқсонларни бартараф этиш тадбирларини кўрмоғимиз, группа иш услуби ва методини янада такомиллаштиришимиз лозим.

Ўтказилаётган рейдларда ҳали ҳам мутахассисларнинг кенг доираси жалб этилмаяпти. Бундан ташқари, рейд якунларини коллективга маълум қилиш ҳам қониқарли эмас. Ҳар бир рейд якунини деворий газеталар, сатирик варақалар орқали кўпчиликка маълум қилиб боришимиз керак.

Яқинда область халқ контроли комитети группамиз ҳисоботини тингладн. ишимиздаги бир қатор нуқсонларни кўрсатиб берди. Бу камчиликларни тугатиш юзасидан фойдали тавсияномалар таклиф этди. Ҳозир эътиборимиз шу тавсияларни амалга оширишга қаратилмоқда.

Н. АБДУРАҲМОНОВ,
Янгийўлдаги кондитер-ачитқи бирлашмаси халқ контроли группасининг раиси.

БОҚИВЕРАШЛАР



Ремонтдан сўнг...

Исрофгар: — Тайёрлаган деталим қаерга ғойиб бўлди экан-а?

Говмуш: — Эълонни ўқинг, мудир ака.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

МУЛЗАМ БЎЛДИ

(ҲАЖВИЯ)

Тушга яқин ишга етиб келган Ҳушвақтов хонасида оғриқдан ёрилиб кетай деб турган бошини кафтлари орасига олиб ўтираркан, эшик олдида секретарь қиз кўринди.

— Битта аччиқ кўк чой бўлсин!

— Буфет ёпиқ-ку?!

— Нега ёпиқ бўларкан, интизом борми ўзи бу ерда?

— Билмадим, балки обед вақтида очса керак.

— Қил-қизил интизомсизлик, ҳа, меҳнат интизомини бузиш...

Секретарь қиз нима қилишини билмай, эшик ёнида туриб қолди. Ҳушвақтов қизишиб, қойина бошлади.

— Бу қанақа гап, на буфетчида, на бош... йўқ, ходимларда интизом бўлмаса. Сенларни деб кеча бошқармада мени роса дўппослашди. Мана энди мендан кўрсин тартиб-интизом ўрнатишни. Интизомни тошдек, йўқ темирдек, йўқ пўлатдек қилиб юбормасамми?!

— Менга қаранг,— у секретарь қизга буюрди,— кадрлар бўлими, партком, местком... Хуллас, ҳамма... ҳаммасини чақиринг. Ярим соатдан сўнг менинг кабинетимга йиғилишсин—мажлис!

Секретарь қиз чиқиб кетди. Ҳушвақтов хонада ёлғиз ўқдан-бўёққа юриб, мажлисда айтажак фикрларини пишира бошлади.

— Сенларни бир бурамасам аламдан чиқмайман. Кеча ходимларимизни иш вақтида кўчада юрганини ўз кўзим билан кўрдим-ку! Ушаларни ҳатто ишдан бўшатишгача олиб бораман. Ҳа, бурайман. Интизомни тошга, йўқ-йўқ, пўлатга айлантирмасамми?!

Мажлис бошланди. Ҳушвақтов минбарда:

— Ўртоқлар ишимизда интизом, қўним йўқ. Сизлар, деб токайгача мен гап эштаман-а? Йўқ, йўқ энди чидаб туролмайман. Интизомсизларни қаттиқ жазолайман. Масалан... ҳа, кеча бошқармадан дакки эшитиб келаётсам, эрталаб соат ўнларда Соли Салмонов лип этиб трамвайга чиқиб кетаяпти. Хўш, Соли, айтчи, айни иш қизғин пайтда сен трамвайга осилиб, нима қилиб юрган эдинг? Қани, гапир!

— Сизнинг буйруғингизни бажариб юрган эдим,— деди Соли.

— Қанақа буйруқ?

— Уйимдаги водопроводни тузатгани боргин, деган эдингиз-ку?!

— Бор, деса боравераркан-ми?

— Бормаса қўясизми?!

— Ҳа, майли. Сенки узрли экан. Мамадали сенчи? Сени таксида ўтиб кетаётганингни кўриб қолдим. Иш вақтида наёқда кетаётган эдинг?

— Сизнинг топшириғингизни бажариш учун юргандим.

— Қанақа топшириқ?

— Ўйингизда ўелингиз миниб юрган велосипедни кўрмадингизми? Кеча ўшани қидириб топиш менга юкланган эди-ку?!

— Майли, сенки ҳам узрли. Вообще ўртоқлар, узрли, узрсиз йўл билан интизомни, меҳнат интизомини бузувчилар оранизда бор. Мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бунга ҳаммамиз, местком ҳам, кадрлар бўлими ҳам айбли. Кеча мен халқ контроли группаси бошлиғига бугун ишга кеч келганларнинг рўйхатга олишни топширган эдим. Қани ўртоқ назоратчи, айтингчи, бугун ишга кимлар кечикиб келди? Анча-мунча бордир-а?

— Йўқ эмас, бор,— деди халқ контроли группаси раиси Зарбиев.

— Ана ўртоқлар, йўқ эмас, бор. Қани айтингчи, кимлар улар?

Зарбиев индамади.

— Нега индамайсиз, айтишга қўрқяпсизми? Айтинг, ҳеч кимни юз хотир қилманг. Қани фамилияларини ўқиб юборинг-чи?

— Битта холос.

— Ким экан?

— Ҳушвақтов.

— Қайси Ҳушвақтов?— кадрлар бўлими бошлиғига қарайди,— қайси бўлимда ишлайди? Яқинда ишга олганмизми?

— Бу ерда сиздан бошқа Ҳушвақтов йўқ, ўртоқ Ҳушвақтов. Фақат бошлиқ Ҳушвақтов — сизнинг ўзингиз кеч келдингиз,— деди Зарбиев.

— А?

— Ҳа!..

ТОЖИБОЙ АЛИМОВ.

(ОЧЕРК)

КИЁТ АЗАМАТЛАРИ

Қуёш қир чўққисида олтин барқашдай чўғланиб турибди. Қушлар дарахтлар шохида чуғурлашишмоқда. Дарё бўйидаги йўлдан чанг кўтарилди — пода келяпти. Кундузги қуёш тафтидан роса қизнган пахтазор кечки салқин оғушига чўмган. Олис атрофдан қишларнинг бир-бирларини чақирган овозлари, тракторлар гуруллаши эшитилади.

Биз Қиёт қишлоғига кириб боряпмиз. Йўлда мотоцикл ва мотороллерлар, улардан кейин «Москвич» ва «Запорожец»лар ўта бошлади.

— Қойил, бир қишлоқда қанча машина-я! — ёнимиздан гизиллаб ўтиб бораётган машиналарга ҳурсанд қараб сўзлади шеригим.

Ярқираган асфальт йўллар эрталаб ва кечқурунлари серқатнов бўлади. Мана бу оқшом ҳам у дарёдай қалқиб турибди. Даладан, ишдан қайтаётган меҳнат аҳлининг завқли гурунглари эшитилади.

— Иш юришиб турса, ишлаб ҳориганингни билмайсан, қўшиқ айтиб, меҳнат гаштини сурганг келади, — яна шеригимнинг овози эшитилди.

Мен жилмайиб бош қимирлатдим. Қалбим завқли ҳаёллар оғушида эди. Хаёлим қанот боғлаб, ўтиб бораётган водий ерлари бўйлаб парвоз этарди.

Тутзорлар орқасидан қишлоқ кўриниди. Бир маҳал ҳамма ёқда чироқлар ёқилиб, қишлоқ электр нурларига чўмди.

Қишлоқ ўртасида ҳашаматли клуб ёғду шуъласидан ярқираб турибди. Клуб ҳовлисида кенг гулзор. Йўлакларда ёш-яланглар давра айланиб, оқшом гаштини сурмоқда. Ёшлар орасида қариялар ҳам кўринади. Уларнинг баъзилари кино кўришга келишган бўлса, баъзи бирлари киши баҳридили очиладиган боғ гаштининг ҳумориси.

Ёнимиздан икки мўйсафид суҳбатлашиб ўтишди. Улар салмоқланиб қадам ташлар экан, бизга қадимий эртаклардаги отахонларга ўхшаб кўринди. Чунки улар боқа келганлар ичида энг кекса-нуроний отахонлардан эдилар. Отахонлар билан саломлашиб, уларга суҳбатдош бўлдик.

— Қиёт қиёқзорларини биласизми, бир вақтлар инсон йўлини тўсиб, шамолдан шовуллаб, оловдан ловуллаб ваҳима соларди.

— Ўзаги чи. Ҳа, ўзаги ҳам офтоб йилт этса ерниг бўғиндан ғиппа бўғиб олади. Ҳа, ана шунақа пайтларини ҳам кўрганмиз. Турдивой, зап улардан қутилдик-да.

— Энди қишлоқни суйиб, минг йил яшагинг келади, — жавоб қайтарди тенгдош ҳамсуҳбатига Раҳмонберди ота.

Отахонлардан бири бундан қирқ йил бурун шу қишлоқда колхоз тузилишида актив иштирок этган ва коллектив хўжаликка кўп йиллар раислик қилган, ҳозир эса пенсионер Турдивой Қорабоев. Иккинчиси эса колхоз, ветерани, кекса пахтакор Раҳмонберди Пардаев эди. Турдивой ота икки томонига янги типда кўпхонали уйлар қурилган асфальт кўчага тикилиб турди-да, сўнг салмоқланиб сўз бошлади.

— Илгари мана шу жой сайҳон эди. Улоқ чопардик. Қорақашқа деган бир от бор эди. Атроф-юрт шу қорақашқа отимизни биларди. Ҳолос. От — эўр, улоқнинг олди ўшаники эди. Биров отдан бошқа нарсани эламасда, биз ҳам бировни. Чунки тўқай ичида қолиб кетган эдик.

— Энди у замонлар ўтиб кетди, болам. Тўқай ўз ўрнини боғуроғларга бўшатди. Эл бирлашса олтин ундирар экан. Қазиганимиз тупроқ эмас, олтин бўлди, — Раҳмонберди ота кўчадан шод-хуррам ўтиб бораётган болаларга ҳурсанд қараб сўзини давом эттирди: — Қиёт энди қанот ёзди, ҳусни тўлишди. Мана энди шу Қиётдан қаҳрамонлар ҳам чиқа бошлади. Қўшбоқни биларсизлар? Зап азамат йигит чиқди. Тўқай ўрнида олтин тўқай яратди. Олис эмас, ерини бир бориб кўринглар.

Баҳри дилларинг очилади. Бегмонинг даласи ҳам ёмон эмас. Ҳар иккиси мусобақалашган. Шер йигитлар, кўли олтин пахтакорлар.

Қари билганни пари билмайди, деган мақол бор. Қариялар қишлоқ марказида яшасалар ҳам далада нималар бўлиб туришини яхши билар эканлар. Кекса деҳқонлар ер билан нафас олади, унсиз ўсларини тинч-осойишта ҳис эта олмайдилар.

Биз далага йўл олдик. Қишлоқ марказидан юриб борар эканмиз, мактаб, магазин, касалхона, ҳаммом, меҳмонхона, устахона, радиоузел ва бошқа жамоат биноларини кўриб, янги типдаги гўзал шаҳарчада кетаётгандек ўзимизни ҳис этдик. Буларнинг ҳаммаси кейинги ўн йил ичида бунёд этилган.

Қишлоқ четидан карталари қарқаралик, туташ пахтазорлар бошланади. Шона-гуллари чаман, кўсаклари дуркун, бир текис гуркираб турган ғўза кўчатлари хирмон мовритига қизғин тайёргарлик кўраётган азаматларнинг ўлкан азму шижоатларидан ҳикоя айтаётгандай аста чайқалиб турарди. Дарё томондан эсган салқин шабада ором бағишларди.

Қишлоқда учрашган қариялар Қўшбоқ Эгамбердиев билан Бегмон Назаровларнинг номларини тилга олган эдилар. Биз ана шу икки мусобақадош, юқори ҳосилли бригада бошлиқларини кўриб, улар билан суҳбатлашиш ва уларнинг бригадалари ишлаётган пахтазорларда бўлиш учун йўлга чиқдик. Қишлоқ четидан бошланган бир-бирига туташ ҳар бир картада ҳаёт қайнайди.

Бригада бошлиғи Бегмон акани сув таралаётган картада учратдик. У сувчи Сафар Шералиевнинг ишларини кузатиб юрибди.

Биз сув талаб қилган ғўзаларимизни аниқлаб, тажрибали сувчиларни биркитиб қўйганмиз. Мана шулардан бири Сафар ака бўладилар — дейди бригадир. — Қаранг, улар сувни қандай моҳирлик билан эгатларга бўлиб таратяяптилар.

— Бошқа карталарни ҳам аниқлайсизларми? — сўрадик Бегмон акадан.

Бригадир қалдирғоч этиб, дарё томонга қўл кўтарди:

— Ҳов анаву қирғоқ ёнидаги картада Шойигит Маматқулов билан Нормат Бектўраевлар ғўзаларга сув таратмоқда. Кун ботиш томондаги пахтазорларда эса Оққўл Жонбоев билан Мусулмонқул Эргашев деган тажрибали пахтакорларимиз ғўзаларга сув етказилгач, тез-тез ёдга олиб турдик. Колхоз ерлари уч участкага бўлиниб, 18 бригадага қарайди. Ҳамма карталарда мўл ҳосил етиштирилаяпти. Ҳар гектаридан 26 центнердан хирмон кўтариш учун колхоз аъзолари зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Колхоз аъзолари бу йил етиштирилаётган пахтанинг 90 процентини машинада териб олишга аҳд қилишди. Бу аҳдни ҳозир бутун республика билади.

Бегмон ака бригадаси билан мусобақалашган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўшбоқ ака Эгамбердиев ўз бригадаси аъзолари билан олтинпаз дамларни ғанимат билиб, пахтазор ораляяптилар. Қўшбоқ аканинг бригадаси саксон икки гектар ерининг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил кўтармоқчи.

— Бегмон ака юқори ҳосил кўтариб келаётган уста пахтакорларимиздан — тушунтирди Қўшбоқака. — Биз унинг бригадаси, у бригаданинг одамлари эса биз-нинг бригадамизга тез-тез келиб турадилар. Биз Бегмон ака бригадасидаги, шунингдек, бошқа бригадалардаги яхши тажрибаларни ўрганиб, фойдаланиб келаяпмиз. Тажриба ютуқларни етаклайди. Биз ҳам мусобақадошларимиз тажрибасини ўрганиб, мўл ҳосил кўтариш учун ҳаракат қилиб келяпмиз. Бултур ваъдамизни ошириб бажардик. Бу йил ҳам катта хирмон кўтариш умидиндамиз. Биз пахта йиғим-терими бошлангунга қадар ғўза парваришинг тўхтатмаймиз. Қимирлаган қир ошар, дейдилар. Катта хирмонлар албатта бизники бўлади.

Биз унинг бригада ерларида бўлганимизда ҳар бир колхозчи нақадар зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Пахтазорларда бегона ўтлар бутунлай йўқотилмоқда. Ғўзалар бир текис ўсиб, дуркун кўсаклар теримчилар қўлига олтин жом бўламан деб турибди.

Далага ёз оқшоми чўкканда қишлоққа қайтдик. Қишлоқ марказидаги гулзор электр нурларига чўмган.

Гулзорда гулгул яшнаб турган қишлоқ аҳлини, ажойиб ёшларни кўриб, биз уларни — бахти кулган Қиёт қарқараси дедик. Қиёт бағридан чиндан ҳам инсон қўли билан гулгул яшнаб қарқара бўлган чаманларнинг хушбўй ҳидлари димоқларга урилар, ранг-баранг кийинган ёшларнинг шўх кулгилари эшитилиб турарди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Бекобод райони.



Пахта тозалаш саноатига қарашли марказлаштирилган илмий-текшириш институтида электриклар бригадири Баҳром Тошкенбоевнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Шу кунларда Баҳром бошлиқ электриклар бригадаси янги химиявий ускунани монтаж қилиш ишларида пешқадамларнинг намуналарини кўрсатишяпти. Суратда: ўрток Б. Тошканбоев янги ускуна ёнида. Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.



Тошкент ГРЭСи қурувчилари унинг 12-блокини муддатидан олдин ишга тушириш учун кун сайин сўратни жадаллаштиришяпти. 12-блок ток бера бошлаши билан ГРЭС лойиҳадаги қувватга эга бўлади. Суратда: ГРЭСнинг умумий кўриниши.

В. ТАРАН фотоси.

ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

Ўрта Чирчиқ райони марказида ўлкан иншоот қад кўтармоқда. Бу ерда пахта тозалаш заводи жойлашади. Шу кунлари бинонинг пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бўлажак цехларга сайқал берилаяпти, поллар мойланмоқда. Пардозлаш ишлари тугалланган хоналарга қувватли техникалар ўрнатилмоқда. Бу техникалар такомиллашган бўлиб, пахта толасини тез ва сифатли тозалашга мўлжалланган.

Бино қурилишида фаол меҳнат қилаётган ишчилар ,техник ходимлар зиммаларига юксак масъулиятли вазифалар юклатилган. Ишчилар ва ишчилар ҳаётлари ва ишлаш шароитлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатишяпти

„САНЪАТ“ГА МАРҲАМАТ

Пойтахтнинг 1-Май кўчасида очилган «Санъат» магазини ҳақида илгари хабар берган эдик. Суратда: сотувчи Комила Исматова харидорлар хизматида. Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

„КЎНГИЛ ПИЁЛАСИ“

ТАҚРИЗ

Бадиий адабиёт киши руҳини бойитиб, унга янги фазилатлар ато этиши ҳаётнинг янги қирраларини кўрсатиши ҳар жиҳатдан тарбиялаши лозимдир. Бу хислатлар асарда тасвирланган қаҳрамон орқали унинг хатти-ҳаракати, ўй-фикри, руҳий ва маънавий дунёси орқали кўрсатилади.

Ёш қалам соҳиби Неъмат Ёқубовнинг «Кўнгил пиёласи»[1] қиссасидаги Равшан ҳозирги кунда ҳаётимизда учраб турадиган, ўзгалардан гўё кўп жиҳатдан фарқ қилмайдиган йигит.

Равшанни китобнинг биринчи сахифасида учратганимизданоқ унда элга маъқул қандайдир фазилат бор. Бу фазилат асардаги воқеа ва ҳодисаларда, очиб борилади. Равшан маҳаллага ранс бўлгач, тезда ишга киришиб кетади. Бундай воқеалар тасвирида биз Равшаннинг ташкилотчилик фазилатини пайқаймиз. Бироқ ўзгаларга ўрнак бўладиган инсонга фақат шу фазилатнинг ўзи етмайди. Ёзувчи Равшаннинг бошқа фазилатларини очиш учун уни икки муҳитда кўрсатади. Бири маҳалла бўлса, иккинчиси ишхонаси — чинни заводи.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Ёзувчи чинни завод ҳаётини кўрсатиб, бу билан айрим проблематик масалаларни кўтарган бўлса-да, корхона ҳаётини етарли очиб бера олмаган, у шахсий можаролар соясида қолиб кетган.

Равшан кўпдан бери қандай қилса, кам куч вақт сарф қилиб, кўпроқ маҳсулот олиш орзусида юради. Орзусининг амалга ошиши учун чинни уни қилиб берадиган тегирмоннинг иш суратини тезлаштириш керак. У шу масала устида ишлайди.

Аммо маҳаллада Тўлаган ака раислигидан тушгач, Равшанни кўролмай, унинг устидан нево тарқатиб, қандай бўлмасин обрўсини тўкишга ҳаракат қилади. Булар анча ҳаётий лавҳалардир. Аммо, қиссадаги ҳамма воқеа ва ҳодисалар кишини ишонтирарли даражада тасвирланган, деб бўлмайди: Ўлмасхонининг Равшандан ажралиши, ота-онасининг хатти-ҳаракати...

Ёзувчи Ўлмасхоннинг характерини асар бошида яхши кўрсатган. Равшан кечаси билан ўзи яратмоқчи бўлган тегирмоннинг схемасини чизиб, ўзининг меҳнатидан мамнун ўтирганда, уйқудан туриб келган Ўлмасхон унга: «Менга қаранг,— деди у қоғозларни эрининг олдига суриб,— шу ишингиз учун маошингизни оширишадими? Ё йўқми? (9-бет). Мана шу ўринда биз Ўлмасхоннинг фикри қашшоқ, пулга ўч эканини кўрамиз. Ёзувчи сал нарига бориб, бу фикримизни янада қатъийлаштиради. Иш пайтида Равшанга бир бола хат олиб келиб беради. Хат Ўлмасхондан бўлиб, шундай сўзлар ёзилган эди: «Равшан ака! Ойимларникига кетдим! Пул топиб, кечагини оламан. Мавлудани боғчадан ўзингиз олиб келинг. Ўлмасхон». (16-бет).

Ўша куни Равшан ишдан қайтиб қуйидаги манзарани кўради. «Ҳамма нарса ўлда-жўлда. Ўй йиғиштирилмаган Айвонда хонтахта устида сўйилган қовунни пашша талаяпти. Мусичалар унинг уруғини гилам устига битта қилиб сочибди. Ичкари хонада Ўлмасхон ечган кийимларини ҳам четга олиб қўймабди. Ўй ўртасида лозим, кўйлак чўзилиб ётибди» (17-бет).

Бироқ, кейинчалик онладан Равшан эмас, Ўлмасхон кетади. Мана шу ўринда киши ишонмайди. Негаки, Ўлмасхон Равшандан ҳеч бир ёмонлик кўрмайди, бунинг устига уйда ўзи эркин қуш. Ўлмасхоннинг онладан кетишига сабаб қилиб, ёзувчи ота-онасини, айниқса, онасини сабаб қилиб кўрсатади. Лекин, уларнинг хатти-ҳаракати мантиқан бўрттириб юборилган, иккинчидан бу эпизод орқали ёзувчининг кўзлаган мақсади чиқмаган.

Анвар билан Ёркиной ўртасидаги муносабатда ҳам ёзувчининг аниқ позицияси кўринмайди. Бу эпизод кишига дастлаб шундай таассурот қолдиради: «Кўнгил эканда, Анвар истеъдодли, бунинг устига уйланмаган. Аммо Ёркиной Равшанни севади». Китобхон шу таассурот билан асар охиригача боради. Асар охирида уларнинг тўйи бўлишлигини эшитиб, сабабларини аниқ англай олмай қолади.

Асарнинг тили ҳақида илиқ гаплар айтиш мумкин. Ёзувчи ҳар бир персонажнинг касби, ҳунари, илми, савиясига қараб «гапиртира» олган.

Ёзувчи қиссада бир неча характер ярата олган. Бундай характерлар яратишда муаллифнинг янги ижодий изланишига, китобхонни мамнун этадиган янги асарлар ёзишига ишонамиз.

Ҳ. КАРИМОВ,
А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспиранти.

1) Неъмат Ёқубов. Кўнгил пиёласи «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент 1970.



ТАБИАТ МАНЗАРАЛАРИ
В. ТАРАН фотолари.

ВИЗИТ АХБОРОТ

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН МЕБЕЛЛАР

Областимиздаги мебель ишлаб чиқариш фабрикалари кичкинтойлар учун янги хил мебеллар ишлаб чиқармоқда. Янгийўл районидаги мебель фабрикасининг коллективи болалар боғча ва яслилари учун алоҳида мебеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Улар бу йил пландан ташқари бир неча минг сўмлик кровать, стол-стуллар ишлаб чиқардилар.

Пойтахтимиздаги «Шарқ» мебель фирмасининг коллективи ҳам республикамиздаги барча болалар ясли ва боғчаларига мебеллар ишлаб чиқара бошлади. Шу юборилди. Келаси йилдан бошлаб фирма коллективи болалар учун махсус кровать ишлаб чиқармоқчи.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Болалар учун қурилаётган Олмалиқдаги янги шифохона кичкинтойларнинг саломатлигини яхшилашга хизмат қилади. Бунда бир йўла 150 дан ошиқ кичкинтой дардига даво топади. Шундай шифохоналар қурилиши Пискентда ва Бекобод шаҳрида ҳам олиб борилаётир.

Ўрта Осиёда ягона комплекс касалхона ҳозир пойтахтимизда мавжуд. Бу ерда 1600 дан ортиқ медик аҳолининг саломатлигини тиклашда хормай-толмай меҳнат қилмоқда. Бу клиник касалхонанинг ёнида яна бир муҳташам бино қад кўтарди. У ҳам кичкинтойларни даволайдиган шифохонадир.

Ҳаммаёқ озода, чиннидек. Ҳар бир хона махсус жиҳозланган. Хирургия хонасида операцияни кузатиб туриш учун махсус телевизион камералар ҳам мавжуд. 350 ўринли бу шифохонада 200 дан ортиқ медицина ходимлари хизмат қилади.

КОПЕРНИК ЮБИЛЕЙИГА

Таниқли поляк кинорежиссёрлари эр-хотин Ева ва Чеслав Петельскийлар поляк халқининг буюк фарзанди Николай Коперник ҳаётини ва ижодини яратмоқдалар. Бу фильм 1973 йили буюк олим таваллудининг жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланадиган беш юз йиллик юбилейига бағишланади.

Картина муаллифларидан бири Чеслав Петельскийнинг айтишича фильм биографик асар бўлмайди. Унда буюк мунажжим ҳаётининг энг драматик онлари батафсил ифодаланади.

Бундан ташқари фильмда олимнинг фанда тараққийпарвар ғоялар тантанаси учун олиб борган машаққатли курашлари, ўз ишига садоқати тасвирланади.

Томошабинлар черков ҳукмронлиқ қилган қийин бир шароитда илм соҳасида ўз мондошларидан бирнеча асрлар илгариладиган буюк олим образини экранда кўриш имконига эга бўладилар.

Янги кинолента авторлари Николай Коперник ҳаётини мукаммал ўрганиб, сўнгра фильм ишлашга киришганликларини айтмоқдалар.

Фильмни яратишда юзга яқин актёр иштирок этади. Киноасар учун зарур бўлган буюмларнинг кўпгина қисмини Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия етказиб беради.

Ш. МИРЗАЖОНОВ.

ҲИНД АСАРЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг ходими Зиннат Ашурбоев ўз тадқиқотини ҳозирги таниқли ҳинд ёзувчиси Саодат Ҳасан Минтоннинг ижодиётига бағишлади. Олимларнинг берган баҳоларига кўра, «Совет ҳиндшунослик фанининг ривожланишига жиддий ҳисса бўлиб қўшилган» бу асар туфайли у фан кандидати унвонига сазовор бўлди. Минтоннинг Гафур Ғулом номли Бадиий адабиёт нашриёти босиб чиқарган «Қиз севгиси» деган ҳикоялар тўплами шу тадқиқотга илова қилинди. Бу тўплам ёзувчининг мамлакатимизда чиққан биринчи китобидир.

Ашурбоев ҳинд ва покистон ёзувчиларининг кўпгина асарларини таржима қилган. Кришан Чандр, Сажод Заҳир, Раженд ра Сингх Бедининг тўпламлари ёш олим қатнашувида ўзбек тилида босилиб чиқди. Ҳозирги вақтда З. Ашурбоев Деҳли университетининг профессори Ҳамад Раис билан биргаликда Ҳамид Олимжон шеърларини урду тилига агдармоқда.

(ЎзТАГ).

Спорт

УМИД ТУҒДИРГАН ҒАЛАБА

«Пахтакор» мухлислари мавсумда биринчи марта ўтган душанба куни стадиондан хушнуд қайтишди. Ҳамшаҳарларимиз ниҳоят ўз кучларига ишониб, томошабинлар кўзи олдида юзлари ёруғ бўлди. Узоқ кутилган ғалаба қарийб юз кундан сўнг келди. Пахтакорчилар Грузия пойтахтидаги каби Тошкентда ҳам Тбилисили динамочиларини енгдилар. Бу сафар ҳеч ким кутмаган ҳисоб билан ютдилар.

Учрашув бошидан ҳамшаҳарларимиз олдинга ташланишди. Дастлабки минутларда Абдураимов тўпни кетма-кет бурчакдан, штрафдан тепиб меҳмонлар дарвозабони Степанияни хушёр туришга мажбур этди. 13 минутда қанотдан меҳмонлар ҳимоячисини алдаб ўтган Цибин тўпни Абдураимовга аниқ ошириб бергач, ҳисоб очилди. Жавоб тўпи киритиш учун грузин футболчилари кўп уриндилар. Ўйиннинг иккинчи бўлими ҳам тбилисиликларнинг актив ҳаракатлари билан бошланди. «Пахтакор» хушёрлик билан ҳимояланди ва фурсатдан фойдаланиб қарши ҳужумларга ўтиб турди. Бу ҳужумлардан бири 60 минутда гол билан якунланди. Уни ҳам Марказий ҳужумчимиз Абдураимов киритди. Бу муваффақиятдан руҳланган тошкентликлар яна олдинга ташланишди. Бир минут ўтгач Солохонинг зарбаси мўлжалга борди. Ҳисоб 3:0. Энди меҳмонлар ҳимоячилари ўзларини йўқотиб қўйиб, кетма-кет хаталарга йўл қўя бошладилар. 65 минутда Цибин ҳисобни 4:0 га етказади. Умуман бу ўйиннинг тинчи-тинчимаслиги, ярим ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам шерикларига намуна бўлиши ҳаммани қувонтирди. Меҳмонлардан эса фақат Хурцилава ажралиб турди. Унинг маҳорати туфайли динамочилар майдондан «қуруқ» чиқиб кетмадилар. Учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда Исоқов ўйинга нуқта қўйди. Қанотдан шиддат билан ёриб кирган Тўлаган ҳисабни 5:1 га етказди.

Гарчи «Пахтакор» икки очко олган бўлса ҳам хавфли зонадан чиқиб кетолгани йўқ. Охирги ўринларда бораётган коллективлар астойдил интилишмоқда. Ўтган турнир натижалари буни яққол кўрсатиб турибди. Жумладан, «Зенит» турнир пешқадами — Киев динамочиларидан бир очко олди (0:0). Олмаотада ўйнаган ростовликлар «Қайрат» билан бўлган учрашувни 1:1 ҳисобида якунладилар. Бир кун аввал «Шахтёр» Москва динамочилари билан очколарни бўлишиб олди — 2:2. Арман футболчилари Москвада бу йил пойтахтнинг ҳамма коллективларини енгган бўлсалар ҳам, «Спартак» билан дуранг қилдилар — 1:1. «Карпати» — «Заря» 0:0.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Командалар	Ў	Ю	Д	М	О
Динамо К	23	14	8	1	36
Динамо М	22	8	10	4	26
Арарат	20	9	8	3	26
ЦСКА	24	7	9	8	23
Карпати	23	5	12	6	22
Заря	19	7	7	5	21
Қайрат	22	6	9	7	21
Динамо Тб	20	8	5	7	21
Нефтчи	19	6	7	6	19
Торпедо М	18	3	12	3	18
Спартак	20	4	10	6	18
Шахтёр	21	7	3	11	17
Динамо Мн	20	4	9	7	17
Зенит	21	5	7	9	17
Пахтакор	21	3	10	8	16
СКА	19	4	6	9	14

ДИАЛЕКТОЛОГИК АТЛАСЛАР

Ўзбек тили диалектологияси олимларнинг йирик тадқиқот ишларидан бири бўлиб қолди. Бу борада Пушкин номли тил ва адабиёт институти қатор ишларни амалга оширмоқда.

Республикамиз областлари бўйича алоҳида-алоҳида диалектологик атласлар тайёрлаш ҳам кўнгилдагидек борляпти. Таниқли тилшунос олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Шоназар Шоабдурахмонов раҳбарлигида бажарилаётган пойтахт области диалектологик атласи тайёр бўлай, деб қолди.

Кейинчалик Бухоро, Наманган, Қашқадарё областларининг ҳам атласлари яратилади.

ОБЛАСТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ВОЛГА БЎЙИ ТАРОНАЛАРИ

Ворошиловград филармонияси эстрада ансамблининг ёш изланувчан коллективи ташкил этилганига беш йил бўлди. Коллектив аъзолари сўнгги йилларда Украинанинг бир қатор шаҳарларида гастролларда бўлиб, талабчан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлишди. Кўплаб лирик қўшиқлар фестивалларида иштирок этиб биринчи ўринни олишга муяссар бўлдилар. Жумладан ўтган йили Киев шаҳрида ўтказилган анъанавий эстрада қўшиклари фестивалида коллектив аъзоларининг бир қатор истеъдод эгалари иштирок этишди. Ўзларининг янгроқ овозлари билан томошабинлар ўртасида ҳурмат козониб келаётган солистлардан Игорь Чичирев ва Иван Антонио «Фестиваль ғолиби» деган номни олишга муяссар бўлишди.

Эстрада ансамбли коллективи хушовоз хонанда Нонна Куликованинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Нонна ансамбль ташкил топганидан бери қатнашиб келмоқда. Унинг репертуари бой ва ранг-баранг. Нонна асосан Улуғ Ватан уруши йилларида она-Ватанни химоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангчиларимиз хотирасига бағишланган қўшиқларни марҳум билан ижро этади. «Ватанимни ардоқлайман», «Қаҳрамонлар номи ўчмайди», «Барҳаёт умр» каби ватанпарварлик руҳида ёзилган қўшиқлар бу изланувчан санъаткор томонидан баралла яграйди. Нонна лирик мисраларни ҳам берилиб ижро этади. У поп ва саминий муҳаббатни мадҳ этувчи ёшларни ғайрат ва шижоатга чорловчи бир қатор қўшиқларни ижро этиб келмоқда. Талабчан томошабинлар Нонна Куликова томонидан айтилаётган қўшиқларни олқишлар билан қарши олишмоқда.

Солистлардан Людмила Катанова, Розита Бабенко, Антонина Грегижиналарнинг санъати ҳам диққатга сазовордир. Бу ёш, истеъдод эгалари совет композиторлари томонидан басталанган қўшиқларни берилиб ижро этишмоқда. Украина халқ қўшиқлари ҳам, уларнинг репертуаридан кенг ўрин олган. Людмила украина халқининг ўтмишда босиб ўтган оғир, изтиробли кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи қўшиқни айтса, Розита эса гуркираб яшнаётган Украина ўлкасининг бой табиатини, украин халқининг ғайрат шижоатини куйловчи қўшиқлар айтади. Антонина репертуарининг асосий қисмини жозибадор қўшиқлар ташкил этган.

Эстрада ансамблининг коллективи бир ҳафта мобайнида пойтахтимизда меҳмон бўлишди. Тошкентлик санъат шинавандалари ансамбль аъзоларининг чиқишларини олқишлар билан кутиб олишди. Эндликда украиналик меҳмонлар ўз гастролларини областимизнинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларида давом эттиришади. Улар Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида бўлиб, шаҳарликлар, қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Рассом Н. Меламед чизган расмларда ўз маҳоратлари билан ансамбль доврўгини кўтариб келаётган солистлар тасвирланган. Димитр Тодоров, Нонна Куликова ва Борис Чигирев.

ҲАР ТЎҒРИДА

КУМУШСИМОН БУЛУТЛАР

СССР Фанлар Академияси Сибирь бўлимига қарашли Атмосфера оптикаси институтининг олимлари кумушсимон булутларга лазер нури юбориб, уларни текшириш методикасини ишлаб чиқди. Кумушсимон булутлар табиатнинг ҳозирча кам ўрганилган ҳодисаларидан биридир. Квант генератори ёрдамида булутларнинг ўзига юборилган оптик нурларни акс эттириш қобилияти тадқиқ этилди. Бу нарса кумушсимон булутларни ўрганишда янги йўлларни очиб беради.

Қош қорайганида бирдан осмон гумбазида енгил булутлар пайдо бўлиб, ойнадек ялтираб туради. Шунинг учун ҳам улар кумушсимон булут деган ном олган. Турли мамлакатларнинг олимлари неча ўн йиллардан бери мана шу булутларга диққат бериб келмоқдалар. Аммо ҳозиргача шу булутларнинг пайдо бўлиш табиати ҳали батамом очилган эмас.

Кўпдан кўп ўлчашлар натижасида кумушсимон булутлар 65 километрдан 90 километргачa баландликда пайдо бўлиши аниқланди. Холбуки одатдаги булутларни энг баланди 43.5 километрдан юқорида бўлмайди. Кумушсимон булут атрофидаги атмосферадан 1000 баравар зичроқдир. Баъзи маълумотларга кўра, шу булутларда ғоят юпқа сув музи қатқалоғи билан қуршалган жуда майда космик зарраларни ўз ичига олган бўлса керак.

Совет Иттифоқидаги бир қанча илмий муассасаларнинг тадқиқотлари шу булутларнинг моделини қуриб, унинг структура шаклланиш имкониятларини аниқладилар. Бундай булутлар икки қатлам, баъзида эса уч қатлам бўлиб жойлашиши аниқ белгиланди. Ҳар бир қатламда ўзига хос тўлқин формалари пайқалди. Булут майдонининг узунлиги ҳам аниқланди: неча ўнлаб километрдан неча юзлаб километргача борар экан.

Кумушсимон булут пайдо бўлиш частотаси қуёш активлигининг таъсири билан боғлиқ эканлигига бағишланган кўп ишлар пайдо бўлди. Қуёш активлиги кучайиши билан кумушсимон булут ҳосил бўлиш частотаси кўпаяди деб фараз қилинмоқда.

Хўш, бундай баландликда булут ҳосил қилувчи сув молекулалари қаердан келиб қолади? «Қуёш водороди» — протонлар кириб келиши натижасида шундай молекулалар ҳосил бўлиши мумкин, деб фараз қилинмоқда. Протонлар ер атмосферасининг кислороди билан сув бирикмасини беради.

(ТАСС мухбири).

Газетамизнинг навбатдаги сони 27-августда чиқади

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00дан Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун «Биз 1-синф ўқувчилари». 18.25— «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 18.35— Миллионлар ленинча университети. 18.50—Мухиддин Қориёқубов номидаги Ўзбекистон филармонияси хор капелласининг концерти. 19.30— «Ахборот» информацион программаси. 19.45— «Шеърият муҳлисларига». Ямин Қурбоннинг янги масаллари. 19.55— Бадиий фильм.

21.40 дан Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.40— «Ярим аср йилномаси» (юп сериали телевизион ҳужжатли фильмнинг 1948 йил ҳақидаги серияси). 22.30— «Янги массив жамоли». 22.45— «Най тароналари».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00— «Сехрлянган бола» (болалар учун кинофильм). 18.45— «Отни ким эгарлайди» (бадиий фильм, ўзбек тилида). 20.00— Врач маслаҳати. 20.15 — «Музикали монолог» (фильм-концерт). 21.00 — «Каҳрабо маржон» (телеспектакль).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ТЕАТРИДА — 25/VIIда Хотиннинг эри. 26/VIIда Катта концерт.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Тасодифий муҳаббат — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (эрталаб соат 11.40 минут, кундуз 3 ярим, 5 ярим ва кеч соат 7 яримда).

Ўғирланган поезд — «СПУТНИК» (тоқ соатларда). «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

Ўтган ёз — «СПУТНИК» (жуфт соатларда). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Аннанинг бахти — «КЎКЧА», «ЎЗБЕКИСТОН»(кундуз ва кечқурун).

Комиссарлар (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда). Шер ҳамлага ҳозирланмоқда (кундуз соат 1, 5 ва кеч соат 7 да) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ».

Агентнинг туғатилиши — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ (кундуз ва кечқурун).

Бўта кўз (эрталаб соат 10, 11.40 минут, кундуз 3.20 минут ва кеч 6.40 минут, 10 да). Жаннатдан қувилганлар (кундуз соат 1 ярим, 5, ва кеч соат 8.20 минутда, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли.

Менинг охирги тангоим — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Асосий зарба — «МОСКВА» (кундуз соат 1,20 минут, ва кеч соат 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Тасодифий муҳаббат — «ФЕСТИВАЛЬ».

Аннанинг бахти — «ХИВА».

Менинг охирги тангоим — ТЕЛЬМАН номли.

Кунгабоқар — НАВОИЙ номли.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р.02754. ИНДЕКС 64697. А. 18 17.